

## Болгария мусулмон жамоаларига кўмак беради



10:06 / 27.12.2018 1667

Болгария Республикаси парламенти томонидан қабул қилинган "Дин тўғрисидаги қонун"га кўра, давлат томонидан болгариялик мусулмонлар учун ҳар йили уч миллион евро миқдорида ёрдам кўрсатилади. Ушбу маблағ Болгария муфтийлиги ихтиёрига топширилади.

Ўтган йиллар учун ўтказилган ҳисобга олиш дастурига кўра, ҳар бир дин вакилига йилига 5 евро миқдоридаги пул берилади.

Бугунги кунда Болгарияда етти миллион аҳоли яшайди. Шундан 1,5 миллиони мусулмонлардир.

Қонун келаси йил 1 январдан кучга киради.

***islom.uz*** портали таҳририяти